

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Пайарик туман давлат солиқ инспекцияси биносида бўлиб, раислик қилувчи Э.Ш.Олмосов, судья ёрдамчиси С.А.Ҳамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пайарик туман прокурори ёрдамчиси Қ.Хидоят, фуқаровий даъвогар С.Болибеков ва Х.Тайировлар, судланувчи Б.Хасанов ва унинг ҳимоячиси “Vijdon Erkinligi” адвокатлик бюроси адвокати Г.Шариповнинг иштирокида, судланувчи Хасанов Баҳтиёр Жураевичга нисбатан 1-1412-2501/282-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хасанов Баҳтиёр Жураевич (Xasanov Bahtiyor Jurayevich), 1971 йил 2 ноябрда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Aliobod lalmikor dala” фермер хўжалиги иш юритувчиси, Оқдарё тумани “Суғончи” маҳалла фуқаролар йиғини “Суғончи” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 октябрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувини, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хасанов Баҳтиёр Жураевич “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги бошқарувчиси лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозими ва вазифаларига кўра мансабдор шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2021 йилдаги 130-сон қарор билан тасдиқланган “Буғдой етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 20-бандида “қарз олувчи буғдойни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда, буғдой етиштириш учун олинган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини сўндиради” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, АТБ “Агробанк” Пайарик туман филиали томонидан 2025 йил 7 мартда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2025 йил ғалла ҳосили учун 13,53 гектар ер майдонга 63.409.200 сўм имтиёзли кредит ресурси ажратилган бўлсада, кўрсатилган майдонда ғалла етиштирмасдан, 63,4 млн. сўм имтиёзли кредит маблағларини ўзининг бошқа эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзганинг анча миқдордаги маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Шу каби, Б.Хасанов ўзининг жиноий ҳаракатларини давоми этириб, “Самарқанддонмахсулотлари” АЖдан 02.11.2024 йилдаги 000562-сонли



хисоб-фактурага асосан 2025 йил ҳосили учун фермер хўжалиги номига олдиндан тўловларсиз 42.178.100 сўмлик 4700 кг уруғлик буғдой маҳсулотларини харид қилиб, мазкур маҳсулотларини фермер хўжалиги ерида экмасдан, текширишда аниқлашни имкони бўлмаган йўллар орқали сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ҳамда қарздорликни қоплаш учун йўналтирмасдан, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, унга ишониб топширилган, ўзганинг мулкани такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Б.Хасанов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги 02.11.2022 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг раҳбари ўғли Жураев Ғулом ҳисобланиб, у хўжалик фаолиятини амалда ўзи бошқариб, ўғли 2025 йил июнь ойидан бери Туркия давлатида фаолият олиб боришини, фермер хўжалиги 01.11.2022 йилдаги электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги YU 040-579203-сонли баённома билан Пайариқ тумани “Алиобод” МФЙ ҳудудидан ғаллачилик фаолияти учун 20 гектар ер майдони ажратилган ва туман ҳокимлиги билан 05.11.2022 йилда қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ижарага бериш бўйича 420275/123-22-сонли шартнома тузилганлигини, фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2021 йилдаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган 2-илоvasи “Буғдой етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисида” Низом талаблари қўпол равишда бузилиб, АТБ “Agrobank” Пайариқ туман филиали томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2025 йил ғалла ҳосили учун 13.53 гектар майдонга 63 млн. 409.2 минг сўм имтиёзли кредит ресурси ажратилганлигини, 2025 йилда жами 14 гектар ер майдонига ғалла экиши лозимлигини, уни 2024 йил куз ойларида экканлигини, шундан сўнг баҳор келганида сув бўлмаганлиги сабабли ҳудуднинг ММТП раиси Наби акага ундан олиб, пахта экиб юборганлигини, у оилавий етишмовчилик сабабли унга ғалла майдонини берганлигини, уни ўзи давом эттириб кетаман деб айтганлигини, у Агробанкдан берилган 63 млн. сўм маблағларни моддий имконият йўқлиги сабабли техника харажатларига, ўғит ишлатишда фойдаланганлигини, бундан ташқари, “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖдан 02.11.2024 йилдаги 000562-сонли ҳисоб-фактурага асосан 2025 йил ҳосили учун хўжаликка берилган 42 млн. 178.1 минг сўмлик 4700 кг уруғлик буғдой маҳсулотларини харид қилиб уни ерга экканлигини, лекин уни ҳам Наби ака ғалла экилмаган деб кўрсатиб юборганлигини, 2025 йил ғалла ҳосили учун 2024 йил куз ойларида 13,53 га ер майдонига ғалла экканлигини тасдиқловчи Ақром деган йигит сепиб берганлигини, фото ва видео тасвирга олмаганлигини, ҳудудда сув бўлмай қолганлиги ва оилавий етишмовчилик сабабли ер майдонига экилган ғаллани жойи билан Н.Унаровга бериб юборганлигини, ер майдони чекка ҳудудда бўлганлиги сабабли у ерга сув бормаслиги қийналиб кетгани учун Н.Унаровга шундай бериб юборганини, қилган ишидан пушаймонлиги, хўжаликни ончнома билан бошқаришини, ушбу ҳолат бошқа такрорланмаслиги ҳақида ҳисоб-саватув бериб, қонуний енгиллик беришни сўради.



Судланувчи Б.Хасанов суд терговда айбига тўлиқ иқдорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар ва иш ҳужжатларида мавжуд суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган фуқаровий даъвогар С.Болибековнинг, у АТБ “Agrobank” Пайариқ филиали Муаммоли кредитлар билан ишлаш менежери лавозимида 2021 йил 10 декабрдан бошлаб ишлаб келмоқдалигини, хизмат вазифаларига муаммоли кредитлар билан ишлаш уларни ундириш, судларга мурожаат қилиш ва бошқалар киришини, Хасанов Баҳтиёр Жураевич Пайариқ туманидаги “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги фаолиятини юритиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.2021 йилдаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган 2-иловаси “Буғдой етиштириш ҳаражатларини кредитлаш тартиби тўғрисида” Низом талаблари қўпол равишда бузиб, АТБ “Агробанк” Пайариқ туман филиали томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2025 йил ғалла ҳосили учун 13.53 гектар майдонга 63 млн. 409.2 минг сўм имтиёзли кредит ресурси ажратилган бўлсада, ҳақиқатда мазкур майдонда ғалла етиштирилмасдан, ажратилган имтиёзли кредит маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўз манфаатлари йўлида ишлатганлиги аниқланганлигини, Б.Хасанов томонидан банк манфаатларига етказилган 63 409 200 сўм зарар тўлиқ бартараф этилганлиги сабабли унга нисбатан даъво эътирози йўқлиги ҳақидаги;

- судда сўралган фуқаровий даъвогар Х.Тайировнинг, у “Самарқанддонмахсулотлари” АЖда 2003 йилдан бери катта ҳисобчи вазифасида ишлаб келишини, унинг хизмат вазифаларига бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботини юритиш, фермерлар билан ҳисоб китоб қилиш, қабул жараёнида ғаллани қабул қилиш ва бошқалар киришини, Пайариқ туманидаги “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги ва “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ўртасида 07.10.2024 йилда тузилган 18-F-DSH25993/25-сон шартномага кўра фермер хўжаликка 2025 йил ғалла ҳосили учун 4700 кг ғалла уруғи берилгани, 02.11.2024 йилдаги 000562-сонли ҳисоб-фактурага асосан 2025 йил ҳосили учун фермер хўжалиги номига олдиндан тўловларсиз 42 млн. 178.1 минг сўмлик 4700 кг уруғлик буғдой маҳсулотлари етказиб берилганлигини, бироқ харид қилиб, “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги томонидан 2025 йил ҳосили учун “Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг Пайариқ туман ғалла қабул қилиш пунктига ғалла топширилганлигини, шу боис, Б.Хасанов томонидан жамият манфаатларига етказилган 42.178.100 сўм зарар тўлиқ бартараф этганлиги сабабли унга нисбатан даъво эътирози йўқлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

Бундан ташқари, судда дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳлар И.Расулов ва Э.Яхшибоевнинг кўрсатувлари, жиноят ишини қўзғатган ҳолда алоҳида иш юритувига ажратиш тўғрисида қарор, “Agrobank” АТБ Пайариқ филиалининг 07.03.2024 йилдаги “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалиги томонидан ажратилган имтиёзли кредит мақсадсиз ишлатилганлиги маълумоти ва тўпланган ҳужжатлари, жиноят ишини бир қисмини тугатиш тўғрисидаги қарори, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят иши



хужжатларида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи Б.Хасановнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди.

Суд, судланувчи Б.Хасановга тергов органи томонидан қўйилган айбловни муҳокама қилиб, унинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда такроран ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” банд билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, аммо унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан шахсни айблаш учун, шахс ўзганинг мол-мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиши мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан содир қилинган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида мансабдор шахс тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс ҳисобланади.

Ташкилий-бошқарув вазифалари деганда, бир шахснинг иккинчи шахсга бўйсунуви соҳасида амалга оширилувчи ваколатлар, яъни бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги хизмат муносабатлари жараёнида амалга оширилади, бундай вазифаларга, жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тобе шахслар меҳнати ва хизматини ташкил этиш ва назорат қилиш, интизомни таъминлаш, ходимларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш кабиларни киритиш мумкин.

Иш ҳолатларига кўра эса, судланувчи Б.Хасанов ўзининг эгаллаб турган вазифаларига кўра, Пайариқ туманидаги “Aliobod Ialmikor dala” фермер хўжалиги иш юритувчиси ҳисобланиб, у фермер хўжалигининг раҳбари ёки раиси эмас, ушбу фермер хўжалигининг раҳбари муқаддам Суяров Хуршид Эргашевич кейинчалик эса, яъни айтилган вақтда фермер хўжалигитнинг раҳбари судланувчи Б.Хасановнинг ўғли Жўраев Гулом Баҳтиёрович ҳисобланади, судланувчи Б.Хасанов фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланмайди, Б.Хасанов фермер хўжалигини юритиш учун ишончнома берилган шахс бўлиб, вазифа ва мансаб йўриқномасига мувофиқ, унга юқорида қайд этилган Ўзбекистон

Республикаси ЖКнинг саккизинчи бўлимида қайд этилган мансабадор шахс млари бўйича, мансабдор шахснинг ваколатлари берилмаган.



Шу сабабли суд, судланувчи Б.Ҳасановнинг жиноий ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан қўйилган айбловнинг унинг айб зиммасидан чиқаришни лозим деб топди.

Суд, судланувчи Б.Хасановга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқдор ва пушаймонлигини, жиноят оқибатида келтирилган зарар бартараф этилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 9-бандида “Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖКнинг 167 ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тарикасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 48-бандида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланишига йўл қўйилмаслиги, одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Хасанов Баҳтиёр Жураевичга нисбатан жазо тайинлашда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятнинг хусусияти ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, жиноят натижасида келтирилган зарарнинг бартараф этилганлигини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда унга содир этган қилмиши учун қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, Б.Хасановни тадбиркорлик субъектида фаолият олиб бораётганини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддаси талабларига мувофиқ унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги кўшимча жазоларни тайинламасликни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Б.Хасанов томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган зарарлар тўлиқ қопланганлигини қайд этишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаш мақсадида Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига Хасанов Баҳтиёр Жураевич томонидан тўланган 63.409.200 сўмни АТБ “Agrobank” Пайарик



туман филиали ҳисобига ўтказишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаш мақсадида Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига Хасанов Баҳтиёр Жураевич томонидан тўланган 42.178.100 сўми “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ҳисобига ўтказишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида келтирилган зарарни қоплаш мақсадида Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига Хасанов Баҳтиёр Жураевич томонидан ортиқча тўланган 12.700 сўми унинг ўзига тегишли тартибда қайтаришни лозим деб топади.

Суд, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган, “Aliobod Lalimikor dalasi” фермер хўжалигига Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредит йиғма жилди ҳужжатлари ва Н.Унаров томонидан тақдим этилган ДВД диск ёзма ва ашёвий далиллар деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишига қўшилганлигини эътиборга олиб, жиноят иши билан сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Хасанов Баҳтиёр Жураевич (Xasanov Bahtiyor Jurayevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хасанов Баҳтиёр Жураевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Пайариқ туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин ва жазо муддати ҳукм қонуний кучга кириб Хасанов Баҳтиёр Жураевич жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Пайариқ туман ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Хасанов Баҳтиёр Жураевичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Хасанов Баҳтиёр Жураевич томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган зарарлар тўлиқ қопланганлиги қайд этилсин.

Самарқанд вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига Хасанов Баҳтиёр Жураевич томонидан тўланган 105.600.000 сўмдан 63.409.200 сўми АТБ “Agrobank” Пайариқ туман филиали ҳисобига, 42.178.100 сўми эса “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ ҳисобига ўтказилсин ва ортиқча тўланган 12.700 сўм пуллар судланувчи Хасанов Баҳтиёр Жураевичнинг ўзига қайтарилсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган ҳисоб-фактура “Aliobod



Lalimikor dalasi” фермер хўжалигига Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредит йиғма жилди ҳужжатлари ва Н.Унаров томонидан тақдим этилган ДВД диск ёзма ва ашёвий далиллар деб эътироф этилган ҳужжатлар жиноят иши билан сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Э.Ш.Олмосов

